

# ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11398563>

**Акбаров Ғайратжон Неъматжонович**

*Наманган муҳандислик-технология институти*

*“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ассистенти*

[gayratjon\\_akbarov100@mail.ru](mailto:gayratjon_akbarov100@mail.ru), +998972178512

**Сайитбаев Шермирза Даткамирзаевич**

*Наманган муҳандислик-технология институти*

*“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси и.ф.д., проф.*

**Аннотация.** Мақолада давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий фаолиятни амалга оширишнинг назарий-методологик асослари, давлат ва хусусий шерикликда молиявий муносабатлар таҳлили тадқиқ қилинган. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларга оид илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** давлат-хусусий шериклиги (ДХШ), инфратузилмага инвестициялар, лойиҳалар самарадорлиги, даромадлилик.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларда давлат ва хусусий сектор субъектлари ўртасида молиявий муносабатлар тизими ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Аҳолининг муттасил равишда кўпайиб бориши дунё мамлакатларининг инфратузилмага бўлган эҳтиёжининг ортишига, бунинг оқибатида давлатларнинг хусусий сектор билан ҳамкорлиги янада кучайишига замин яратмоқда. Жаҳоннинг нисбатан кам ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида инфратузилмага хусусий инвестициялар кўлами 2021 йилда 240 та лойиҳага 76,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда, 2020 йилга нисбатан 49 фоиз ўсишга олиб

келди. Бунда транспорт ва логистика, энергетика ва қайта тикланувчи энергия манбалари, ичимлик суви ва канализация тармоқлари, чиқиндини қайта ишлаш каби инфратузилма соҳаларига хусусий секторнинг инвестициялари йўналтирилган. Мазкур жиҳатлар глобал миқёсда давлат-хусусий шериклик алоқаларини такомиллаштириш зарурлигини ўзида акс эттиради.

**Мавзуга оид мавжуд муаммолар.** Тараққий топган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, давлат ўзининг кўплаб функция ва вазибаларидан хусусий сектор фойдасига воз кечиши, фақатгина улар устидан бошқарув ва назоратни сақлаб қолиши иқтисодиётга яхшигина дастак бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатларда ҳам давлат-хусусий шериклиги алоқалари орқали қуйидаги муаммоларга ечим топиш мақсад қилинган:

- Давлат бюджети ҳаражатларини ва бюджет тақчиллигини минималлаштириш;
- Аҳолини доимий иш-жой билан таъминлаш йўли билан камбағалликни қисқартириш;
- Мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларни ижобий натижадорлигини таъминлашда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш;
- Мавжуд табиий ва инсон ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштириш;
- Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- Иқтисодий барқарорликка эришишда макон ва замондан унумли фойдаланиш;
- Дастур-лойиҳаларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва бошқалар.

Тадқиқотлардан аниқланишича, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт, коммунал хўжалиги, туризм, энергетика, ахборот

коммуникация технологиялари каби соҳаларни ривожлантириш долзарб муаммолардан бўлиб, инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда хусусий инвестицияларидан фойдаланишга оид қулайликларга қарамасдан, хусусий сектор маблағларини йўналтириш даражаси пастлигича қолмоқда.

**Муаммони ҳал қилиш усуллари.** Паст ва ўрта даромадли мамлакатларда инфратузилмага йўналтирилаётган хусусий инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши юқори эмас (1-жадвал).

**1-жадвал**

**2021 йили жаҳон минтақаларида инфратузилмага йўналтирилган инвестициялар ҳажми<sup>32</sup>**

Худудлар	Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми (млн. АҚШ доллари)	Хусусий секторга инвестициялар ҳажми (млн. АҚШ доллари)	Хусусий инвестицияларнинг ЯХМдаги улуши
Европа ва Марказий Осиё давлатлари	3 222 404,0	15 016,0	0,47 %
Марказий ва жанубий Африка давлатлари	1 702 343,0	5 202,0	0,31 %
Жанубий Осиё давлатлари	3 386 420,0	8 693,0	0,26 %
Шарқий Осиё ва Тинч океани давлатлари	17 448 895,0	28 081,0	0,16 %

<sup>1</sup> <https://ppi.worldbank.org/content/dam/PPI/documents/PPI-2021-Annual-Report.pdf> Жаҳон Банкнинг 2021 йилдаги “Инфратузилмаларда хусусий сектор иштироки” номли йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўрта Шарқ ва Шимолий Африка давлатлари	1 195 746,0	626,0	0,05 %
--	-------------	-------	--------

Мамлакатлар кесимида инфратузилмага киритилаётган хусусий инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан энг юқори улушга эга мамлакатлар каторидан Мозамбик (4,7 фоиз), Ўзбекистон (3,6 фоиз), Эсватини (2,9 фоиз), Вьетнам (2,6 фоиз) ва Конго Демократик Республикаси (2,3 фоиз) эгаллайди.

Жаҳон Банки маълумотларига кўра, Ўзбекистонда биринчи қайта тикланувчи энергия манбаларига асосланган йирик энергетика лойиҳасига хусусий инвестиция маблағлари жалб этилмоқда. Буларнинг бари мамлакатда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) муносабатлари шаклланиб бораётганлиги, унинг ҳуқуқий базаси яратилганлиги ва ДХШни ривожлантириш агентлиги ташкил этилганлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Давлат функцияларини хусусий секторга ўтказишнинг асосий мақсади куйидагилар ҳисобланади:

- бозор шароитида рақобат муҳитини ривожлантириш;
- тадбиркорликнинг янги йўналишларини ривожлантиришга қўшимча имкониятлар яратиш;
- фуқароларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш;
- аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш;
- давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ошириш;
- давлат органларининг штат бирликларини мақбуллаштириш.

**Таклиф ва тавсиялар.** Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва институционал ислохотлар инвестиция муҳитини яхшилашга, хорижий ва маҳаллий инвесторлар сонининг ортиб боришига кўмаклашмоқда. Шунингдек, давлат тасарруфида ва бошқарувида бўлган иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммо ва камчиликлар

давлат-хусусий шериклик тизимини жорий этишни жадаллаштириш юзасидан муҳим чоралар кўришни тақозо этади.

Давлат-хусусий шериклиги механизмларидан самарали фойдаланиш йўли билан инфратузилма ва ижтимоий дастур-лойиҳаларни йўлга қўйишда, уларни тизимли мониторингини олиб боришда давлат ва кичик бизнес ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлат-хусусий шериклик агентлигининг маълумотларига асосан сўнгги 3 йилда тузилган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари сони ҳамда қиймати ортиб бориш тенденциясига эга.

2-жадвал

**Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисида  
маълумот**

Даврлар	Рўйхатга олинган ДХШ лойиҳалари сони	ДХШ лойиҳалари қиймати
2020 йилда	51 та	371,5 млрд. сўм
2021 йилда	157 та	3 293,7 млрд. сўм
2022 йилда	178 та	22 028,0 млрд. сўм

Жадвалдан аниқланишича, аввалги йилга нисбатан ДХШ лойиҳалари қиймати 2021 йилда 2 922,2 млрд. сўмга, 2022 йилда эса 18 734,3 млрд. сўмга кўпайган. Мазкур лойиҳаларнинг асосий қисми таълим, соғлиқни сақлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, қурилиш, энергетика, гидротехнологиялар, ирригация, туризм каби соҳаларга тегишли эканлиги муҳим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин:

-Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалиётга жорий этиш билан тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир этилади, республика, маҳаллий бюджетга тушадиган тушуми кўпаяди, бюджет

маблағлари тежалишига эришилади;

-Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг самарали ташкил этилиши моддий ва молиявий ресурслар чекланган шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қулай имконият яратади;

-Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига диверсификацияланган капиталларнинг жалб қилиниши хусусий инвесторлар учун лойиҳаларни молиялаштиришдан қўшимча манфаатларга эга бўлиши ва улар бўйича капитал баҳосининг минималлашишини таъминлашга замин яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Сайитбаев Ш. Д. Источники формирования предпринимательского капитала в аграрной сфере : дис. – С.-Петербург. ун-т экономики и финансов, 1994.
2. Dodhomirzaevich S. S., Nemadjonovich A. G. Public-private partnership conceptual basis //Journal of economy, tourism and service. - 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 29-34.
3. Saidboyev S. D. The conceptual grounds for full implementation of labour and entrepreneurial activity of women //T. Economics: Analysis and forecasts. Т. – 2021. – Т. 2. – С. 188-192..
4. Akbarov G., Sobirjonova N. The Monetary Policy in the Development of Public-Private Partnership //American Journal of Public Diplomacy and International Studies (2993-2157). – 2024. – Т. 2. – №. 3. – С. 106-114.
5. Ne'madjonovich A. G. Public-Private Partnerships: Experiences of Foreign Countries //Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 3. – С. 222-224.
6. Akbarov G. N. The conceptual framework of public-private partnership in Uzbekistan //Educational Research in Universal Sciences. – 2024. – Т. 3. – №. 4 Special. – С. 374–378.
7. Ньмаджонович А. Ф. Давлат-хусусий шериклик: жаҳон мамлакатлари ва

Ўзбекистон тажрибаси //Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 215-219.

8. Акбаров Ғ. Давлат-хусусий шерикликда томонлар ҳамкорлиги // " Science Shine" International scientific journal. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 15-24.

